# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1993 йил 13 март
ШАНБА
№ 30 (5.473).
НАРХИ: ОБУНАЧИГА 3 СЎМ, СОТУВДА 5 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган


## Ислом КАРИМОВ:

# «ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!»

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг МДҲдаги хорижий мухбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан суҳбати



СУРАТДА: мамлакат Президенти Ислом Каримов хорижий мухбирлар билан мулоқотда.

ЎзА олган сурат.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Ҳурматли журналистлар, мен, аввало, сизларни Ўзбекистон диёрида табриклаб, республикамизга қизиқиб қараётганингиз ва унга эътибор бераётганингиз учуң ташаккур айтмоқчиман. Чунки ёш мустақил давлатдаги воқеаларни холисона ёритиш Ўзбекистон олдида турган муаммоларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшиш имконини беради.

Мен сизларнинг меҳнатингиз нақадар муҳимлигини ва нечоғли оғирлигини яхши тушунаман. Бироқ шу билан бирга бу иш ўзаро манфаатдорлик ва ҳамжиҳатлик мавжуд бўлган тақдирдагина самара бериши мумкин. Мазкур учрашув сизларга бизнинг муаммоларимизни яхшироқ англашингизга, Ўзбекистонни атрофлича билиб олишингизга ёрдам беради, деб умид қиламан. Чунки бу учрашув охир-оқибатда қадимий диёримизда рўй бераётган воқеаларни холисона ва ҳаққоний ёритишингизга кўмаклашади. Бизнинг муаммоларимиз кўп. Аммо ижобий тажриба ҳам орттирганмиз, бизнинг тажрибамиз сизни ва бутун дунё жамоатчилигини қизиқтирса ажаб эмас.

Мен сизларни қизиқтирувчи ҳамма саволларга жавоб қайтаришга тайёрман.

**Марко ПОЛИТИ, Ҳамдўстлик мамлакатларидаги хорижий мухбирлар уюшмасининг раҳбари:** Президент жаноблари! Кўҳна Ўзбекистонда бизга кўрсатилган иззат-икром учун жамики журналистлар аҳли номидан миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз. Республикангиз ўзининг барқарорлиги, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг осойишталиги билангина эмас, кейинги вақтларда бу ерда рўй берган ўзгаришлар билан ҳам бизни қизиқтиради. Биз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги барча давлат бошлиқлари билан учрашишни режалаштириб қўйганмиз. Илтимосимизга биринчи бўлиб сиз ижобий жавоб берганингиз бизни ғоят қувонтирди. Биз Москвада яшаймиз. Лекин сиз дунёдаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари бўлган бизларни тўла асос билан ўша мамлакатларнинг Ўзбекистондаги мухбирлари деб ҳам ҳисоблайверишингиз мумкин.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Сизларнинг қароргоҳингиз Москвада экани тасодифий ҳол эмас. Бу шаҳар—собиқ иттифоқнинг пойтахти. Шу билан бирга бу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон СССР таркибида бўлган вақтларда аҳоли зич яшайдиган, қадимий, улуғ тарихга, маданиятга, маърифатга эга бўлган бу йирик минтақа ҳақидаги жамики ахборот юзаки бўлар эди. Сизлар хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам, бизга тааллуқли ҳамма хабарни асосан Москва матбуоти орқали олар эдингиз. Шу кунгача ҳам ўша эски усул давом этиб келмоқда. Бу эса муайян бирёқламаликни юзага келтириши табиий. Ўзбекистонга тез-тез келинглар, одамлар билан учрашинглар, муаммоларимизни, муваффақиятларимизни, орттирган тажрибамизни ўрганинглар. Биз Марказий Осиёнинг энг катта мамлакатларидан бирида рўй бераётган воқеаларни ҳалол ёритувчи моҳир қаламкашларни ҳамиша қувонч билан кутиб оламиз. Шу боисдан мен сизларнинг Москвадагина эмас, Тошкентда ҳам бўлишингиз тарафдориман. Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти бўлиши билан бирга Шарқнинг дарвозаси ҳам эканини эсдан чиқарманглар. Бизнинг пойтахтимиз жўғрофий-сиёсий мавқеи билан, тинчликпарварлиқ анъаналари билан бутун дунёга ном таратган. Бинобарин, мен сизларнинг бу ерда ўз қароргоҳларингизни очиш ниятингизни қўллаб-қувватлайман.

**МУХБИР:** Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ва бирлашув истиқболлари қандай, ҳамдўстликнинг келажаги борми? Ёки сизларга Ўрта Осиё бозорини барпо этиш манфаатлироқми?

**ПРЕЗИДЕНТ:** Бу масалалар бири иккинчисига ҳалал бермаслиги ва зид келмаслиги керак. МДҲнинг келажаги бор. Ҳозирги мустақил давлатлар ўртасидаги кўп йиллик иқтисодий алоқаларни узиб бўлмайди. Аммо бу алоқаларни ҳар қандай томон бирон-бир тарзда тазйиқ ўтказмайдиган маърифатли асосга қуриши керак. Муносабатлар фақат ўзаро манфаатли асосга таяниши лозим.

Январь ойида Тошкентда расм бўла бошлаган «Марказий Осиё давлатлари» тушунчасига келганда шуни айтиш керакки, бу — табиий, ҳаққоний жараён.

Бу минтақада яшаётган кўпмиллатли халқларни бирлаштираётган, яқинлаштираётган замин — тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, динимизнинг бирлиги, томирларимизнинг туташиб кетганлиги, бинобарин, иқтисодий, табиий бойликларимиз инқироздан чиқиш йўлларини биргаликда қидиришни тақозо этади. Бу ҳол табиийдир. Мен Тошкентнинг алоҳида мақомли шаҳар экани ҳақида бежиз гапирганим йўқ. Хуллас, у минтақанинг ахборот маркази қилиб танлагани жуда мантиқийдир. Энг янги хабарлар бутун дунёга шу ердан тарқаладиган бўлади. Бу ҳам сизларни қизиқтиради, деб ўйлайман.

**МУХБИР:** Президент жаноблари, сиз молиявий сиёсатингизни Россиянинг Марказий банки билан келишиб юритмоқчисиз, аввалгидек рублдан миллий валюта сифатида фойдаланаверасизми?

**ПРЕЗИДЕНТ:** Бу гап жуда муҳим. Таъбир жоиз бўлса, нозик масалалардан бири. Бу масала Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг ҳамма учрашувларида муҳокама қилинди. Тегишли ҳужжатлар ҳам имзоланди. Бироқ, афсуски, бу ҳужжатларга шу пайтгача ҳам риоя қилинмаяпти. Россия ўтказаётган сиёсат бу йўлдаги асосий тўсиқдир. Минск шаҳридаги сўнгги учрашувда Россия раҳбарлари МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун давлатлараро банк тузишга рози бўлган эдилар. Назаримда, бу Россия сиёсатидаги ижобий жиҳатдир.

Бироқ муайян доиралар рубль зонасидаги мамлакатларга нисбатан қаттиққўл молиявий сиёсат ўтказиш тамойилини бошлаганликлари сизларга сир эмас. У ердагилар «рубль доираси»ни торайтиришмоқчи деса ҳам бўлади. Бу масалада Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев каби менинг ҳам фикрим равшан: рубль зонасидан чиқиш—шунчаки бир мақсад эмас. Ўз қадрини билувчи ҳар бир мутахассис пул муносабатлари нималигини, миллий валютани жорий қилиш учун қандай шарт-шароитлар талаб этилишини, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билади. Биз ўз пулини жорий этишга қарор қилган мамлакатларнинг, аввало, Болтиқбўйи мамлакатлари, Украинанинг тажрибасини жуда синчиклаб ўрганяпмиз. Маълумки, украин карбованеци «ғарқ» бўла бошлади ва зўр-базўр муомалада турибди. Шу сабабли Россия ўз валютасига ўтмагунча Ўзбекистон рубль зонасида қолади. Бу нарса бизга қанчалик оғир таъсир ўтказишини жуда яхши англаб турибман. Бироқ Россия раҳбариятининг ақл-заковати эҳтирослардан устун бўлиб чиқишига аминман. Башарти бундай бўлмаса, Ўзбекистон ҳам, Қозоғистон ҳам, рубль зонасидаги бошқа республикалар ҳам маълум тазйиққа тоқат қила олмайди. Охир-оқибатда Россиянинг ўзи ҳам жуда кўп қийинчиликларга дуч келади...

Хуллас, биз сиёсий мулоқотимизга салбий таъсир қиладиган ўринсиз шахсиятпарастликни тарозининг бир палласига ва ўзаро муросага келиш йўлини иккинчи палласига қўйганимизни равшан англаб олмоқ керак. Сиёсий мулоқот, ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг фикрига ўзаро ҳурмат билан қараш ана шу чигал масалани ҳал қилиб беради, деб ҳисоблайман.

**МУХБИР:** Президент жаноблари, олис хорижда, МДҲ давлатларида Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларга оид хабарлар доимо диққат марказида турибди. Яқинда босилган бир хабарда ватанга хиёнат қилишда айбланган киши қора курсига ўтқазилгани айтилган эди. Улар орасида, Президент сайловидаги рақибингиз — Муҳаммад Солиҳ ҳам бор эмиш. Нега сиз мухолифат билан шу қадар қаттиқ муомалада бўляпсиз?

**ПРЕЗИДЕНТ:** Бу савол менга тааллуқли эмас. Ўзбекистон Республикасининг қонуни бор. Конституция бор, Олий Кенгаш—давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи органи бор. Шундай бўлса-да, саволингизга жавоб қайтаришга ҳаракат қилиб кўраман.

Ҳозирги тарихий тажрибанинг кўрсатишича, яқинда мустақилликка эришган суверен давлатларда воқеалар деярли бир хил андоза билан ривожланди. Тожикистон, Озарбайжон ва бошқа республикалардаги конституциявий ҳокимиятнинг заифлигидан фойдаланилиб, умумхалқ овоз бериши йўли билан сайланган ташкилотларга мувозий тузилмалар ҳам пайдо бўлиб, улар битта мақсад — ҳокимиятни қўлга олиш мақсадини кўзлай бошладилар. Аммо улар сизларнинг ривожланган мамлакатларингиздаги каби конституциявий, маърифатли усуллар билан эмас, балки қўрқитиш, зўравонлик, қўпорувчилик йўли билан курашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг еттинчи моддасида: давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Конституция ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади, деб ёзиб қўйилган. Мантиқийми? Шубҳасиз мантиқий! Зеро, Конституцияда белгилаб қўйилган меъёрларга зид ҳаракат қилувчи мувозий ташкилотларнинг тузилиши бошбошдоқликка олиб борган бўлур эди. Барча халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизни энг халқчил Конституция ва қонунлардан бири деб эътироф қилишдику, ахир! Дарвоқе, жаҳон ишбилармонларининг яқинда Давосда ўтказилган йиллик кенгашида Европа тиклаш ва тараққиёт банкининг президенти Аталли жаноблари буни яна бир карра тасдиқлади...

«Мухолиф» дейилмиш кучларнинг мақсадлари нима эди? Бир мисол айтиб берай. «Миллий мажлис» деб аталган «чекланган мажлис»ни тузиш учун қилинган уриниш давлат ҳокимиятининг қонуний органи бўлган Олий Кенгашга кучли таъсир ўтказиши лозим эди. «Қайта тузувчилар» деб аталган кимсаларнинг фикрича, «миллий мажлис»га ўзини мухолифатчи партиялар деб юрганларнинг вакиллари кириши лозим эди, улар қонуний давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятларини назорат ва тазйиқ остига олиш мақсадини амалга оширишмоқчи бўлган. Бу бошқача айтганда, қип-қизил тўнтариш эмасми?

Хўш, уларнинг дастури борми, улар кўпмиллатли Ўзбекистон халқини қайси йўлдан бошлаб бормоқчилар? Яна бир гап. Уларнинг талабига кўра, гўё парламент, ҳукумат буларнинг кўрсатмаси билан иш қилиши керак эмиш. Баъзи бир минтақалардаги фожиали воқеаларни ҳисобга олсак, бунинг оқибати қандай бўлгани маълум.

Модомики шундай экан, бундай қилиш тўғрими, республиканинг ҳақиқий фуқаролари бундан хабардормилар? — деган савол туғилади.

Мисол қидириб олисга боришнинг кераги йўқ. Ён қўшнимиз Тожикистонни олиб кўринг. Республика пойтахти — Душанбедаги Шоҳидон майдонида ҳам «демократлар» тўпланишган эди. Кейинроқ, ниҳоят, ниқоб пардаси тушганида, бу одамларнинг қўлида автоматлар пайдо бўлганини ҳам кўрдик. Кимки митингга борган бўлса, анча-мунча пул тўланди. Хўш, натижа нима бўлди? Бу фуқаролар урушига олиб келди: ўн минглаб бегуноҳ кишилар — аёллар, болалар, қариялар нобуд бўлди... «демократ»ларнинг мақсади битта — «Эрон тоифасидаги давлат» қуриш эди. На давлат ҳокимияти, на Олий Кенгаш мухолифатчиларга — қўпорувчиларга қарши тура олди. Ҳолбуки, мустақил давлатда Конституция ҳам, қонунлар ҳам амал қилмоғи лозим эди.

Хуллас, муҳтарам жаноблар, Ғарбдагилар жон куйдираётган «Бирлик» ҳаракати фаолиятини ҳам Президент эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Адлия вазирлиги таҳлил этиши керак. Адлия вазирлигида рўйхатдан қонуний тасдиқдан ўтишаётганида «Бирлик» раҳбарларига зиммангизга сиёсий масъулият олганингизни унутманг, қонун йўриғидан чиқманг, деб уқтирилган эди... Кейинги пайтда уларга фаолиятингизга танқидий назар ташланг ва уч ой мобайнида белгиланган тартибда ариза бериб, сўнгра ишлайверинг, аммо Конституция доирасидан чиқманг, деб неча марталаб айтилди.

Ҳа, айтгандай, барча ривожланган капиталистик мамлакатлардаги тартибга мувофиқ партия ва ҳара-

(Давоми иккинчи бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

**Э. Қ. ҲАЙИТБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Эркин Қаҳҳорович Ҳайитбоев Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 12 март.

НАВРЎЗ КЕЛАР БИЗНИ СЎРОҚЛАБ

## ТАРАДДУД

Республика Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳамда пойтахт туманлари Наврўзга тайёргарлик кўриш штабларининг, унга мутасадди вазирликлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, адабиёт, санъат ва маданият намоёндалари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, мамлакатимизда умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси А. Муталов йиғилишни очиб, байрамга саноқли кунлар қолганини, бу борадаги ташкилий ва ижодий ишларни янада жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар йигирма беш асрдан кўпроқ умр кўрган, не-не мушкулликларни бошидан кечириб, бизнинг долғали кунларга етиб келган Наврўз бу гал янада кенгроқ қулоч ёйишини, ўзлигимизни чуқурроқ англашда кўмаклашишини, маънавий қадриятларимиз бутун бўй-басти билан намоён бўлишини таъкидладилар.

Байрам шодиёналари Халқлар дўстлиги саройи олдидаги кўркам майдондан бошланиб, миллий боғда, пойтахтимиз туманлари марказларида, маҳаллаларда давом эттирилади. Санъаткорлар, хонанда ва созандалар, бадиий ҳаваскорлик дасталари, дорбозлар, қўғирчоқбозлар, спортчилар халқимиз хизматида бўлади. Ҳамма ерда — кўчалар ва хиёбонларда, гузарлар ва даҳаларда халқ сайллари шоду хуррамлик билан ўтади. Савдо шохобчалари расталари, кичик-кичик дўконлар очилиб, совға-салом буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, хилма-хил ўйинчоқлар сотилади. Таомилга кўра, баҳорнинг сумалак, ҳалим сингари тансиқ таомлари тайёрланади.

Республикамизнинг барча вилоят ва туманларида ҳам Наврўз умумхалқ шодиёнасига айланади. У ерларда бўладиган тантаналарда қўшни мамлакатлардан, Тошкентдан борган меҳмонлар қатнашадилар.

Йиғилишда республика мустақиллигининг бир йиллиги тантаналарини ўтказишда орттирилган тажрибадан унумли фойдаланиш, уни янада бойитиш зарурлиги айтилди.

Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлисида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, республика Бош вазирининг ўринбосарлари М. Қорабоев, К. Тўлаганов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзА мухбири).

## ҲАШАР— ЭЛГА ЯРАШАР

**Қўриқ Мирзачўл райони деҳқонлари 1992 йилни муваффақиятли якунладилар. Давлатга пахта топшириш йиллик режаси зиёдаси билан адо этилди. Давлат қабул пунктларига 46.225 тонна оқ олтин етказиб берилди. Кутилганидан зиёд даромад олинди.**

**Бу ерда Наврўзни зўр кўтаринкилик билан нишонлашга одатланишган. 20 га яқин миллат ва элат вакиллари райониинг энг хушманзара ерига ўтов тикиб, ўз санъатларини намойиш этадилар. Ранг-баранг программада концертлар қўйилади, турли таомлар тайёрланади, умумхалқ сайли ўтказилади. Ялпиз, исмалоқ ва бошқа шифобахш гиёҳлардан тайёрланган неъматлар барчага манзур бўлади.**

**Мирзачўлликлар бугунги шанбаликда ҳам фаол иштирок этадилар. Отахонларнинг таклифи билан теракзорлар барпо этилади. Дастлабига 165 минг туп терак ўтқазиш белгиланган. Тутзорлар, гулзорлар, экинзорлар барпо этилади. Районда пахтачилик билан бир қаторда бошқа соҳаларни ҳам изчил ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун ички имкониятлар ишга солинаётир. Шанбалик куни катта майдонларга беда, ғалла ҳамда лавлаги экилади. 30 мингга яқин манзарали дарахт кўчати ўтқазилади. Ҳашардан тушган маблағнинг катта қисми «Наврўз» тадбирлари учун сарфланади.**

С. ТУРДИЕВ.

**15 МАРТДА РЕСПУБЛИКА АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИНИНГ ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ**

**(Газетамизнинг тўртинчи саҳифасида шу тармоқ масалалари хусусида ҳикоя қилинади).**

